

Гулхумор ТҶИЧЕВА,
Филология фанлари доктори,

Шахзода РАШИДОВА,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
докторанти

ИСЛОМ ТАЪЛИМОТИДА БОЛА ТАРБИЯСИГА ОИД ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ПЕДАГОГИК АҲАМИЯТИ

Ислом қадриятларини шакллантириш жараёни масаласи бола ким, уни қандай тарбия қилиш зарур, ислом қадриятлари нималардан иборат, қайси қадриятларни қандай ва қачон тарбия қилиш керак каби долзарб муаммоларнинг ечимини тақозо этади. Болани эътиқодли қилиб тарбия қилиш унга ислом қадриятларини сингдиришни англатади. Бола ва унинг камол топиши, хусусан болани унинг ҳаёти давомида оилавий ҳамда ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш Ўзбекистонда азалий шакллантирилган. У миллий тафаккур доирасида ривожлантирилган Мақолада ислом қадриятларининг ўзбек оиласи, хусусан таълим ва тарбия жараёнидаги, шахс шаклланишидаги ўрни муҳокама қилинади.

Мустақиллик йилларида оилавий тарбия масаласи туб ўзгаришларни бошидан кечирди. Бир томондан, миллий тарбия жараёнининг мазмуни, мақсадлари, усуллари ҳамда стратегияси ўзгарган бўлса, иккинчи томондан, тарбиянинг миллий моҳиятида туб модернизация қилиш, қайта қуриш, қайта англаш жараёнлари бошланди. Бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири бу оилавий тарбияда ислом таълимотига ҳам асосланишдан иборатдир.

Зеро, “...оилаларимиз, маҳаллаларимизда, бутун жамиятимизда соғлом муҳитни мустаҳкамлаш, ёшлар тарбияси, тинч-осуда ҳаётимизни, муқаддас динимиз поклигини асраш вазифаси бугунги кунда улкан аҳамият касб этмоқда”¹.

Мовароуннахрлик кўпчилик ислом ҳадисшунос, фикҳшунос алломалар асарларида, жумладан, Имом Бухорийнинг “ал-Адаб ал-муфрад ҳадислар тўплами, Абу Лайс Самарқандийнинг “Танбеҳул ғофилийн” китоблари, Абу Мансур ал-Мотурудий, Имом ад-Доримий, Абу Ҳафс Насафий, Абу Зайд ад-Дабусий, Абдулҳамид Кеший в.б. олимлар асарларида фарзандларга юксак инсоний фазилатларни камол топтириш тараннум этилган². Ислом манбалари, фалсафаси ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби” мавзусидаги анжумандаги нутқи // Халқ сўзи, № 119. 2017 йил 16 июнь.

² Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. Ал-жомеъ ас-саҳиҳ. Олтин силсила: 1-жуз. – Тошкент: Hilol-nashr, 2013. – Б. 159; Комилов М.М. Мовароуннахр фикҳ илми ривожда Алоуддин ас-Самарқандийнинг ўрни ва “Тухфат ал-фуқаҳо” асарининг аҳамияти. Тар. фан. номз. ... дис. автореф. –Т.: ТИУ, 2000; Эшонжонов Б.И. IX аср Мовароуннахр маданий ҳаётида Имом ал-Бухорийнинг мавқеи ва унинг “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”

ижтимоий қарашлари тизимида болани айнан эътиқодли қилиб тарбиялаш муҳимлиги уқдирилган бўлиб, хусусан бола ва унинг ижтимоий мавқеи қуйдагича белгиланади³:

1. Ислом дини бўйича, фарзанд Аллоҳнинг омонати, Унинг неъматиди, Яратган ҳадияси, унинг иноятидир. Бола Аллоҳнинг берган қазою қадаридир. Бола Аллоҳнинг қароридир. Бола – яратилишига кўра муқаддасдир. Болалар Аллоҳнинг ердаги фаришталари сифатдир, бундай сифат ва ўхшатиш бола қалбининг фариштадек поклиги билан белгиланади. Қуръони каримнинг Оли Имрон сураси 38-оятда “Раббим, менга Ўз ҳузурингдан яхши зурриёт бергин”⁴, дейилади. Шууру сурасининг 49-50-оятларида айтилишича, “**49. Осмонлару ернинг мулки Аллоҳникидир. У Зот хоҳлаган нарсасини яратур. У Зот хоҳлаган кишичига қизлар ҳадя этур ва хоҳлаган кишичига ўғиллар ҳадя этур. 50. Ёки уларни жуфтлаб – ўғил-қиз қилиб берур**”⁵. Бинобарин, Аллоҳнинг инсонга берган нарсалари чида фарзанд энг олий неъматдир. Ҳадисда келтирилишича, «Расулulloҳ ҳузурларига бир одам фарзанди билан келди. У фарзандини қучоқлаб эркалади. Расулulloҳ: *«Яхши кўрасанми?»*, дедилар. У

асаридаги фикхий масалалар. Тар. фан. номз. ... дис. автореф. –Т.: ТИУ, 2001; Зиёдов Ш.Ю. Абу Мансур ал-Мотурудий ёзма мероси ва унинг “Китоб ат-та’вилот” асари. Тар. фан. номз. ... дис. автореф. –Т.: Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, 2003; Алимова М.Ф. Имом ад-Доримийнинг ҳадис илми ривожига қўшган ҳиссаси. Тарих ф.н. .. дисс.– Тошкент: 2009. – 27 б.

³ Тўйчиева Г.У. Роль ислама в духовно-нравственном воспитании детей и молодежи. // Международная научно-практическая конференция на тему «Роль семьи в духовно-нравственном воспитании детей и молодежи». Тезисы. - Ташкент: 2018. - С. 88-92; Юсупова Н.Ж. Исломда оила ҳуқуқи / ўқув-услубий кўлланма. - Тошкент: «Тошкент ислом университети», 2008. - 74 б.; Юсупова Н.Ж. Мовароуннаҳр ҳанафий факихлари асарларида оилавий муносабатларни мустаҳкамлашга оид қарашларнинг моҳияти. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2018; Юсупова Н.Ж. Ислом оила ҳуқуқи: пайдо бўлиши, ривожланиши, манбалари ва институтлари. – Т.: Истиклол нашриёти, 2019.

⁴ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири ҳилол. Биринчи жуз. Тузатилган ва тўлдирилган қайта нашр. – Тошкент: “Hilol-Nashr”, 2018. – Б. 321

⁵ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири ҳилол. Бешинчи жуз. Тузатилган ва тўлдирилган қайта нашр. – Тошкент: “Hilol-Nashr”, 2018. – Б. 359

эса «Ҳа», деди. Расулulloҳ (с.а.в): «Аллоҳ бундан сендан ҳам яхши кўради», дедилар⁶.

2. Ислом динида эмбрион тўлақонли одам деб баҳоланади, яъни эмбрион ўзининг ҳомиласи пайдо бўлганидан кейинги 120 кундан бошлаб инсон сифатида баҳоланади. Шунга кўра, она қорнидаги бола, худди шунингдек туғилган бола шахс сифатида ҳурмат ва эътиборга лойиқлиги айтилади. Она қорнидаги давридаёқ у фақат унга хос характер, истеъдод, лаёқат, маълум бир овоз, тана тузилишига эга бўлади. Яъни бола шахснинг маълум шахсий кўрсаткичларига эга бўлган ҳолда бунёд бўлади ва туғилади. Бинобарин, бола она қорнида бўлганидаёқ унга нисбатан туғилган чақалокка бўлгани каби унинг барча эҳтиёжларини қондириш йўлидан бормоқ зарур.

3. Ислом таълимотида болалик даври бахт-саодат, гўзаллик, орзу-ҳавас ва ҳаётнинг ажойиб олами сифатида тавсифланади. Болалар балоғат ёшига тўлмагунга қадар шариат ҳукмлари зиммаларига юкланмайди, гуноҳлардан пок ва маъсум ҳисобланади. Болага тегишли барча ҳақ-ҳуқуқларнинг аксарияти ислом ҳуқуқи манбалари билан ҳам ҳимояланган. Муҳаммад пайғамбар «Болалар – жаннат гуллари»⁷ деб таъкидлаган. «Болалар биз ҳидлайдиган жаннат райҳонларидир», дея мурғак болаларни эъзозлаганлар⁸.

4. Аллоҳга тегишли бўлган мавжудот сифатида фарзандни яхши кўриш, уни меҳр билан тарбия қилиш жойиш. Фарзандни яхши кўриш учун меҳр қудрати отага ҳам, онага ҳам Аллоҳ томонидан инъом этилади. Ислом динига ота умуман ҳаёт тебратиш учун масъул,

⁶ Раҳмонов Р. Исломда фарзанд ҳуқуқлари. - Тошкент: «Мовароуннаҳр», 2011. – Б. 46

⁷ Усмонов И., Шермухамедов К., Жўраев Ш., Насруллаев Н., Алимова М., Нажмиддинов Ж., Турдиева Д., Каримов Ж., Алимов А., Тўйчиева Н., Ҳакимова Н., Каримова Д., Эрнazarов О. Исломда соғлом бола тарбияси. Масъул муҳаррир И.Усмонов. — Тошкент: Мовароуннаҳр, 2014. – 160 б.

⁸ Ал-Уструшаний Абу-л-Фатҳ Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Ҳусайн. Жомий аҳком ас-сиғор / Муфтий Усмонхон Алимов ва Муслим Ризки Ато таҳрири остида. – Тошкент: ТИУ, 2010. – Б. 8; Алимов, Усмонхон. Оилада фарзанд тарбияси. - Тошкент: Мовароуннаҳр. 2017.- 42б.; Атаев М.Р. Маждуддин ал-Уструшанийнинг Мовароуннаҳр фикҳ илми тарихида тутган ўрни. Тарих фан. ном. ... дис. - Тошкент: ТИУ, 2011. – 202 б.

шу жумладан оилавий тарбия учун ҳам масъул саналади⁹. Бинобарин, ота фарзандни ислом таълимоти бўйича тарбия қилиш учун ҳам масъулдир. Ота фарзанд боқувчисидир. Ота болани шакллантирувчи инсондир. Ота болани мусулмон кишисига айлантирувчи асосдир. Шу боис, отага Аллоҳ бола учун ризқ инъом этади. “Ота-она ўз боласига гўзал одобдан афзал нарса бера олмайди”, дейилади ҳадисларда¹⁰ (Имом Бухорий ва имом Термизий ривояти).

5. Ҳар бир фарзанд ўз қазою қадарига эга бўлиб дунёга келади. Илмий тил билан ифодаланса, ҳар бир туғилажак боланинг ўз миссияси мавжуд. Ҳар бир боланинг дунёга келиши ва ҳаёт кечиришида Яратган томонидан ато этилган ўз миссияси, яъни ҳаётдаги мақсади ва вазифалари бор. Шу боис унинг ризқи ҳам, унинг ҳаётдаги ўрни ва миссияси ҳам фақат мана шу боланики бўлади. Ҳаёт, ризқ, мавқе ва миссия ҳам Аллоҳдан берилади. Шунга кўра, Аллоҳнинг фарзандга берган ақлу идроки, истеъдоди, миссияси ва ризқини ўз вақтида тўғри англаш, уни мана шу тақдир йўналишида, мана шу миссия томон тарбия қилиш зарур. Боланинг миссиясини ҳурмат қилиш, эъзозлаш ва уни Аллоҳ томонидан бола тақдирига бойланганлигини англаш зурур. *Ҳадисларда айтилишига кўра, «Кимнинг ёши боласи бўлса, у учун ўзини болаларча тутсин»* (Муовия ривояти)¹¹.

6. Боланинг муҳофазаси, ризқи, ҳаёти Аллоҳнинг қўлидадир. Аллоҳ бола тўғрисида қайғуради, унга ўз меҳрини аямайди, балолардан асрайди. Ислом этикоди бўйича, ҳар бир бола насаби пок бўлиб туғилади. Боланинг мана шундай муҳофазаси унинг қонуний йўл билан, ёки ноқонуний, яъни никоҳсиз бунёд бўлгани билан белгиланмайди. Қонуний туғилган ва ноқонуний туғилган чақалоқлар ўз эрклари ва

ҳуқуқларида тенгдирлар. Ноқонуний туғилган чақалоқларга жазо берилмайди, жазо уларнинг ота-оналарига тегишлидир. Агар чақалоқ ноқонуний туғилган бўлсаю, кейин унинг ота-онаси никоҳ ўқиган бўлса, бу фарзанд қонуний мақомга эга бўлади. Ноқонуний боланинг туғилиши бу болага гуноҳ сифатида ёзилмайди (“Қиёмат кунида ҳеч бир кўтаргувчи (гуноҳкор жон) ўзга жоннинг юкини (яъний гуноҳини) кўтармас”¹². (Қуръон, 35: 18)

7. Ислом дини талаблари бўйича боланинг туғилиши биланок баъзи бир ҳуқуқлари амалга киради. Бу боланинг чиройли исмга эга бўлиш ҳуқуқидир. Исломда ота-онанинг фарзанд олдидаги энг асосий вазифаларидан бири болага чиройли исм қўйиш ҳисобланади. «Фарзандларингизга чиройли исм ва яхши тарбия беринглар»¹³. Бундан ташқари, охират куни ҳамма ўз исми ва отасининг исми билан чақирилишини, шу туфайли исмни эътибор билан танлаш лозим лиги таъкидланган. Муҳаммад баъзи одамларнинг уларнинг ўзларига ёкмаган исмларини бошқа чиройли исмларга ўзгартириб берганлар. Шу жумладан, исми уруш (ҳарб) бўлган одамнинг отини Силм (тинчлик) га ўзгартириб берганлар. Бир вилоятнинг номи ифлос (афира) бўлган, бу ном ҳадира (яшнаб гуллаган) водий номига ўзгартирилган¹⁴.

8. Болага нисбатан меҳр оқибатли муносабат кўрсатиш, бола билан болаларча мулоқот олиб бориш, боланинг болалик даврини ҳурмат қилиш ва унга турли ўйинлар, хусусан копток, бекинмачок, қувлашмачок, ким биринчи етиб келади, югуриш, камон отиш кабиларда улар билан мусобақалашмоқ буюрилган. Бу ҳақда Пайғамбар: “*Фарзандларингизга сузиш ва камон отишни, қизларга ип йигиришни ўргатинглар*”, деганлар (Байҳакий ривояти)¹⁵.

⁹ Холмўминов Ж. Оилада сиз масъулсиз. - Тошкент: Мовароуннахр. 2015. – 56 б.

¹⁰ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва ҳаёт. Яхшилик ва ахлоқ китоби. - Тошкент: “Hilol-Nashr”, 2019. – 456 б. Яна қаранг: <https://islom.uz/maqola/5210>; <http://muslim.uz/index.php/rus/maqolalar/item/2311-biz-ukhlasak-ular-uj-onadi>

¹¹ Абдуллоҳ Н.У. Тарбият ал-авлад фил ислам. — Байрут: Дарус-салом, 1981. — 259 б.; Children in Islam. Their Care, Upbringing and Protection. - Al-Azhar University in cooperation with the UNICEF. 2005. – 123 p.

¹² Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи: Шайх Абдулазиз Мансур. - Тошкент: «Тошкент ислом университети», 2012. – 624 б; Яна қаранг: Қуръони карим. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур // Тошкент: Чўлпон. 1992. – 316 б.

¹³ Усмонхон Алимов. Оилада фарзанд тарбияси. Тошкент: Мовароуннахр. 2017. – Б. 42.

¹⁴ Саҳих ал-Бухари. Имом Абдул-Аббас Аҳмад бин Абдул-Латиф аз-Зубайди тузган / А.Нирша таржимаси. 1959 (6192). - Москва. Умма. 2008. - 775 б.

¹⁵ Усмонхон Алимов. Оилада фарзанд тарбияси. Тошкент: Мовароуннахр. 2017. – Б. 42 (- 420 б.)

Муҳаммад ҳам ўз набиралари билан ҳар хил ўйинлар ўйнашни жуда ҳуш кўрганлар. Умар ибн Хаттоб ривоят қилишича: «Бир куни мен Пайғамбарнинг ҳузурларига борганимда, уларни набиралари Ҳасан ва Ҳусайн билан ўйин ўйнаётганларини кўрдим. Улар набираларини орқаларига миндириб олиб, уларга «Қаранглар қандай яхши отингиз бор, сизлар эса қандай яхши чавандозсизлар», деб айтаётган эдилар».

9. Болани оғир меҳнатдан муҳофаза қилмоқ, бола таълими жараёнини меҳр асосига қуриш зарурлиги ва сабр билан, жазо чораларини кўрмай тарбия қилиш кераклиги уқтирилган. Пайғамбар минбарда хутба қилган вақтларида, неваралари Ҳасан ва Ҳусайнни қўлларига олиш учун минбардан тушиб, кейин яна хутбани давом эттирганлар. Пайғамбар намозда саджа қилиб турганларида неваралари Ҳасан у кишининг устиларига, елкаларига чиқиб олади. Пайғамбар болага эҳтиром кўрсатиб, уни авайлаб, саждаларини бузмаганлар, саждада қолганлар ва сажда қилишни давом эттириб, боланинг устиларида ўйнашлари учун имкон берганлар¹⁶. Намоз вақтида болани ҳайдамаслик, “Менинг намозимни буздинглар” деб уларни қойишдан тўхтатганлар.

10. Ислонда болани илмга рағбат этиш суннатдир. Фарзандларга таълим олишларини таъминлаш ота-онанинг бурчи ҳисобланади. Таълим бериш услубига келсак, у бола ўзлаштирадиган даражада боланинг ёши ва онгига мос ҳамда кадр-қимматини камситмайдиган бўлиши лозим. Агарда боланинг илмга лаёқати ва рағбати йўқ эканини сезса, бироқ унда баҳодирлик ва от миниш, ўқ отиш, найза ўйнатиш каби ишларга қобилият кўринса, унга шу соҳа билан шуғулланиш ва машқ қилиш маслаҳат берилади¹⁷. Ислон эътиқоди бўйича, болаларга бир неча йўналишда таълим бериш зарур, улар:

- (1) Қуръони каримдан таълим бериш;
- (2) жисмоний машғулотлар (камон отиш, сузиш, чавандозлик ва ҳ.к.);
- (3) замонавий билим ва тажрибалар.

¹⁶ Усмонхон Алимов. Оилада фарзанд тарбияси. Тошкент: Мовароуннахр. 2017. – Б. 273-274

¹⁷ Каримова Д.Р. Ўзбекистон ҳудудида бола ҳуқуқлари генезиси, эволюцияси ва унинг истикболлари. Юридик фан. докт (DSc) дисс.авт. - Тошкент, 2017

Ҳазрат Алининг сўзларига қараганда, ҳам «Фарзандларингизга ўзингиз яшаган замонга мослаб эмас, ўз замонларига муносиб илм беринг. Зеро, улар сизнинг замонингизда эмас, ўз замонларида яшайдилар»¹⁸.

11. Ҳар доим бола билан мулоқот қилганда боланинг қалбига мурожаат қилиш зарурлиги таъкидланган. Тарбияда фақат боланинг қалбига мурожаат қилиш орқалигина самарага эришиши мумкинлиги ва болани яхши амалларга ундаш, уни рағбатлантириш мумкинлиги таъкидланган. **Қуръоннинг Моид сураси, 2-оятда таъкидланганига кўра, “Яхшилик ва тақво йўлида ҳамкорлик қилинг, гуноҳ ва ҳаддан ошиш йўлида ҳамкорлик қилманг!”**¹⁹. “Одамларга яхши гаплар айтинг”, дейилади Қуръони каримнинг Бақара сураси, 83-оятда. Яхши гар эса, имом Ҳасан басрийнинг фикрига кўра, “амри маъруф, наҳйи мункар, хилму авф, кечирим ва ширин сўзлардан” иборатдир²⁰.

12. Ўз боласини, хусусан қизларни, шунингдек ўзгалар боласини ўлдириш қатъиян ман қилинади. Умуман бирор бир болага, айниқса етимларга зарар етказишлик қораланади ва Аллоҳ томонидан жазоланади. Болага ҳатто қамбағалликдан кўрқиб, яъни уни боқидан кўрқиб воз кечиш қатъиян ман қилинади. Чунки мана шу боланинг ризқи Аллоҳнинг қўлидадир. Ризқни Аллоҳ беради, бандаси, яъни боланинг ота-онаси эмас. Агар неъматлар ва насиба нуқтаи назардан қийинчилик вужудга келган бўлса, боладан воз кечиш эмас, балки Аллоҳдан чиройли насиба сўраш ва болани дуо қилиш зарур. Шунда Аллоҳ оилани ҳам, унинг катталарини ҳам, уларнинг қўлидаги фарзандларни ҳам муҳофаза қилади. («Эй инсонлар, болаларингизни йўқчиликдан кўрқиб ўлдирмангизлар - уларга ҳам, сизларга ҳам Биз ўзимиз ризқ берурмиз. Уларни ўлдирмоқ, шак-шубҳасиз, катта хатодир» (Қуръон, 17: 31).

¹⁸ Пайғамбаримизнинг Ҳазрат Алига насиҳатлари ва Ҳазрат Алидан ҳикматлар. Нашрга тайёрловчи: Дилфуза Шойзокова, Сумайро Холмуродова. – “Sharq” нашриёт-матбаа акцидорлик компанияси, 2015. – 223 б.

¹⁹ Қуръон карим. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. // Тошкент: Чўлпон. 1992. – 73 б.

²⁰ Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тафсири ҳилол. Биринчи жуз. Тузатилган ва тўлдирилган қайта нашр. – Тошкент: “Hilol-Nashr”, 2018. – Б. 68 (– 640 б.)

13. Болани алдаб бўлмаслиги Қуръонда ҳам, ҳадисларда ҳам таъкидланади. Болани ёлғондан ҳам алдаб бўлмайди. Агар она, ёки ота оғзидан бирор бир ваъда берилдими, уни бажариш жойиз. Бу болага катталар томонидан кўрсатилган чин инсоний ва адолатли муносабат белгиси саналади.

Расулulloҳ эслатадиларки, «Болаларингизни севинг ва уларга меҳрибон бўлинг. Уларга бирон нарса ваъда қилсангиз, ваъдангизга вафо қилинг. Чунки улар сиз ваъда қилган нарсани кутишади»²¹.

14. Болани ҳаётга тайёрлаш тарбиянинг асоси сифатида белгиланади. Ҳаётда бола ўз хислатлари, аввало Аллоҳни таниганлиги, тўғри сўзлиги, адолатпешалиги, меҳнаткашлиги боис, шунингдек касбу кори, ҳалоллиги ва эътиқодининг бутунлиги боис турли неъматларга сазовор бўлади. Болани аввало Аллоҳга таваккал қилиб яшашга ўргатиш жойиз. Аллоҳга таваккал эса, барча неъматларнинг эгаси Аллоҳ эканлигини тан олишдан ва Унга умидвор бўлишдан бошланади.

15. Боланинг ҳаётдаги барча ютуқ ва камчиликларига ҳам сабрли муносабат кўрсатиш кераклиги ислом динида таъкидланади. Болага адолатли муносабат кўрсатиш инсоннинг беағидир. Болани ҳар куни кучоклаш ва ўпиш бу суннат. Абу Ҳурайрадан ривоят қилинади: “Расулulloҳ ўз ҳузурларида ал-Акраъ ибн Ҳобис Таймий ўтирганида Ҳасан ибн Алини ўптилар. Шунда у: “Менинг ўнта болам бор. Улардан бирортасини ўпганим йўқ”, деди. Бас, Расулulloҳ унга назар солдилар ва: “Раҳм қилмаганга раҳм қилинмас”, дедилар” (Бухорий ривояти)²².

16. Оиладаги барча болаларни ўзаро тенг кўриш, уларни айрмаслик, бирини иккинчисидан устун қўймаслик, бой бўлган болага яхши муносабат кўрсатиб, камбағал

боланининг кўксини чўктириш, унинг камчиликларини очиқ айтиб, ҳақорат қилиш мумкин эмас. Агар боланинг иши юришмаётган бўлса, буни Аллоҳнинг синовии сифатида қабул қилиш ва болани яхши дуолар билан сидқидилдан Аллоҳ олдида дуо қилиш зарур. Отанинг дуоси ва онанинг дуоси боланинг тақдирини ўзгартириши мумкин. Ҳар бир ота ва она меҳрига бир хилда муносиб бўлиб, бирининг иккинчиси олдида устунлиги йўқдир. Ота-она ўз боласининг яхши тақдирига ишониши зарур, бу нарса аслида уларнинг Аллоҳ меҳрига ишонишларини англатади Аллоҳнинг неъматидан баҳра олишларига умид қилишга ўргатади. Ҳадисларда, «Аллоҳдан кўркинлар ва болаларингизга адолатли бўлинглар. Шунда улар сизни ҳурмат қилади ҳамда сизга итоат қилади» дейилган²³. **Ислом динида, “агар ота фарзандларидан бирига бирор нарса тортиқ қилса, токи бўлак фарзандларига ҳам адолат қилиб, ўшанча тортиқ қилмас экан, жоиз бўлмай, унга гувоҳлик қилинмас”, деб таъкидланади.** Расулulloҳ: “Фарзандларингизни тенг кўрингизлар!”, деб таъкидлаганлар²⁴.

Қуръон оятлари ва ҳадисларда келтирилган мазкур қадриятлар фарзанд ва уни тарбия қилиниши тартибларига бевосита алоқадордир. Энг қадимги даврлардан бошлаб “бола” тангрининг қудрати ва инъоми, ҳаётнинг бош мақсади ва мағзи, руҳий неъмат, оилавий бахт ва унинг сарҳисоби, маънавий озуқа, хурсандлик нишонаси, авлод анъаналарининг давомчиси, умуман ўзбек халқининг миллий-маънавий қадриятларининг муҳим асосларидан бири сифатида тавсиф қилинган. Бола муҳофазаси, болани мақсадли тарбия қилиш зарурлиги, уни таълим билан таъминлаш бизнинг ҳудудимиз учун тарихий-ижтимоий ҳодиса саналади. Биз юқорида таъкидланган мана шу инсоний қадриятларни билишимиз ва уларда келтирилган маънавий бойликни тарбия, хусусан оилавий тарбия жараёнига татбиқ этишимиз, келтирилган тамойилларга эса ўз ҳаёт тартибимиз ва турмуш тарзимизда итоат этишимиз зарур.

²¹ Ахмад Тавфиқ, Маиса Ҳамид. Исломда болалар тўғрисида ғамхўрлик. ЮНИСЕФ-Қоҳира: «Ал-Азҳар» университети, 1985. - Б. 28 б.

²² Саҳих ал-Бухари. Имом Абдул-Аббас Ахмад бин Абдул-Латиф аз-Зубайди тузган / А.Нирша таржимаси. 1959 (6192). - Москва. Умма. 2008. - 775 б.; Ғанибоева Ш.К. Ўзбекистон Республикасида бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни амалга оширилишининг халқаро-ҳуқуқий масалалари (назария ва амалиёт муаммолари): Юрид. фанл. номз. дисс. автореф. - Тошкент: ТДЮУ, 2009. - 26 б.

²³ Бурҳониддин ал-Марғиновий. «Ҳидоя». - Тошкент: «Адолат», 2000. - 844 б.

²⁴ Атаев М. Имом Уструшаний. - Тошкент: «Тошкент ислом университети», 2010. - 46 б.